

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 5 апрель, № 66 (5996) Шанба


# ИМКОНИЯТ, ИЗЛАНИШ ВА РАҒБАТ

## тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

*Бугунги кунда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқариш субъектларини модернизация қилиш, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси кўзга яққол ташланмоқда.*

### МОДЕРНИЗАЦИЯ






Бинобарин, бу саъй-ҳаракатлар ички бозорни замонавий ва харидоргир маҳсулотлар билан бойитишда айни муддао бўлаётир. Ўтган йили Фарғона шаҳрида иш бошлаган “Фарғона Турон текстиль” масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга мисол бўла олади.

Гап шундаки, деярли инқироз бўсағасига келиб қолган мазкур хўжалик субъекти иқтисодий соғломлаштириш мақсадида “Турон” очиқ акциядорлик тижорат банки ихтиёрига берилгач, жамоанинг ишлари юришиб кетди. Банк томонидан корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш мақсадида 11 миллион 986 минг евро миқдорида сармоя йўналтирилди. Натижада корхона Германиядан келтирилган энг илғор тўқимачилик, тароқлаш ва бўяш техникалари билан тўлиқ жиҳозланди. Ишлаб чиқариш цехлари қайта таъмирланиб, ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароити яратилди.

(Давоми 2-бетда).

# МУСТАҚИЛ САЙЛОВ ТИЗИМИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган асосий ғоя ва қоидаларни ўзида мужассам этган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шу кунларда парламентимиз юқори палатаси аъзолари томонидан кўриб чиқилади.*

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Қонунчилик палатасида партиялар фракциялари ва қўмиталар томонидан экспертлар, олимлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган муҳокамалар чоғида давлатимиз раҳбарининг ушбу қонунчилик ташаббуси Ўзбекистоннинг сиёсий, давлат тузилишини янада демократлаштиришда беқиёс аҳамият касб этиши, мамлакатимиз ривожининг “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” муҳим тамойилини изчил амалга оширишга, юртимизнинг ривожланган демократик мамлакатлар қаторига киришига хизмат қилиши таъкидланиб ўтилди.

Конституциямизга киритилаётган, давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш, унинг мустақил тармоқлари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини ривожлантиришга конституциявий шарт-шароитларни яратадиган тузатишлар сайлов тизимини ҳам янада такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Айнан сайлов тизими Конституцияга киритилаётган тузатишлар орқали давлат ҳокимияти тизимида ролини ошириш кўзда тутилаётган ҳокимият вакиллик органларини, парламентни демократик тарзда шакллантиришни таъминлашга йўналтирилгандир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан киритилган Қонуннинг муҳим аҳамияти ҳам шундадир. Чунки конституциявий нормаларга киритилаётган барча ўзгартиш ва қўшимчалар ўзаро узвий боғлиқ ва бири-бирини тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳамда жорий йил ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси мустақил сайлов тизими конституциявий асосларини белгилаб берувчи Конституциянинг 117-моддасига киритилаётган тузатишлар ўта муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида босқичма-босқич, изчил амалга оширилган ислоҳотлар асосида мамлакатда энг демократик талаб ва умумэътироф этилган халқаро андозаларга жавоб берадиган, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминловчи сайлов тизими барпо қилинди.

Бунда миллий сайлов тизимимизнинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, сайловларнинг очиқ ва ошкора тарзда, қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилишини ва ўтказилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатишидир.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Нукус ҳуқуқшунослик коллежида Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан тадбир ўтказилди.

**● Самарқандда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти, уларни қўллаш механизмлари ҳақида маълумот берилди.**

● Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 68 та корхона, ташкилот ва муассаса 435 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбирда иш берувчилар томонидан уюштирилган кўргазмалар, тарқатилган буклетлар битирувчи ёшларга ўз қизиқиши ва мутахассисликларига мос касбни танлашларида яқиндан кўмак берди.

**● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида “Адабий сценарий – кино санъати асоси” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда киносценарий яратиш маҳорати, болалар киноси муаммолари, кинотадқиқот, кинотанқидчилик, кинематографиянинг халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти масалалари юзасидан фикр алмашилди.**

● Навбаҳор туманидаги “Истиқлол” саноат касб-ҳунар коллежида мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида “Касблар фестивали” тадбири ўтказилди. Унда тумандаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчи ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари қатнашди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Эътибор ● Эътироф ● Ҳамкорлик

*БМТнинг Женевадаги Миллатлар саройида Наврўз айёмига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

# Женевада Наврўз байрами нишонланди

Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистон дипломатия миссиялари томонидан ташкил этилган мазкур байрам тадбирида Женевадаги дипломатия корпуси ҳамда халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, Швейцариянинг жамоатчилик ва маданий ташкилотлари вакиллари ҳозир бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлими бош директори вазифасини бажарувчиси Майкл Мёллер тадбирни очар экан, кўҳна Наврўз байрами ишонч ва янгиланиш рамзи эканлигини, бинобарин, у турли халқлар ўртасида ҳурмат, ўзаро тўғри тушуниш ва яхши қўшничилик сингари қадриятлар бардавомлигига кўмаклашишини алоҳида таъкидлади. “Шу боис Наврўз БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ўз эътирофини топди ва ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олди”, деди у.

Байрам тадбирида 800 нафардан зиёд иштирокчи ташкилотчи давлатлар халқларининг бой анъаналари, мазкур мамлакатларга оид қизиқарли маълумотлар билан танишиш ҳамда уларнинг миллий таомларидан татиб кўриш имконига эга бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон халқ амалий санъати намуналари, ўлкамиз табиатининг бутун гўзаллиги, унинг бой тарихий-маданий мероси, сайёҳлик салоҳияти ҳамда юртимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятларини ўзида акс эттирган ранг-баранг ахборот материалларининг кўргазмаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинди.

(Давоми 2-бетда).

*Франция пойтахтидаги “Paris, Porte de Versailles” кўргазмалар марказида йирик халқаро тадбирлардан бири — “Mondial du Tourisme” кўргазмаси бўлиб ўтди.*

# Ўзбекистон «Mondial du Tourisme» халқаро кўргазмасида

Ушбу нуфузли сайёҳлик анжуманида мамлакатимизнинг бу соҳадаги улкан салоҳияти Самарқандда фаолият кўрсатадиган “Revtours” компанияси томонидан намойиш қилинди. Унда ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси, гўзал табиати ва ажойиб иқлими ҳамда мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари муносиб равишда тақдим этилди.

Жумладан, кўргазма иштирокчилари ҳамда меҳмонлари Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, уларни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган бунёдкорлик ишлари — аэропортларни модернизациялаш, ҳаво кемалари ва шаҳарлараро автобус паркларини янгилаш, халқаро меъёрларга жавоб берадиган меҳмонхоналар ҳамда автомобиль йўлларини бунёд этишга доир атрофлича маълумотлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).





«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

**Ҳуқуқий профилактика соҳаси янада такомиллашади**

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилиши режалаштирилмоқда.

Халқ сўзи Народное слово


# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ходимлари, Фарғона ва Навоий вилоятлари ҳокимлари, прокурорлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари қатнашган мазкур йиғилишда ушбу вилоятларда одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама этилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Фарғона ва Навоий вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари, мазкур ҳудудлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бу борадаги қонунчилик ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Жумладан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унинг оғир оқибатлари ҳақида аҳолини хабардор этиш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинган. Бу мақсадда чегара ҳудудларда ҳамда жамоат жойларида одам савдоси жиноятларидан огоҳ этувчи кўргазмали тарғибот ва ташвиқот воситаларини ўрнатиш ҳамда тарқатишга алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, сўнгги йилларда ушбу ҳудудларда одам савдоси жиноятининг камайиши кузатилган.

(Давоми 2-бетда).

## ҚАРОР ВА ИЖРО

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, улар томонидан жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда экспортга чиқаришда молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.*

# Экспорт ҳажмини ошириш — устувор мақсад

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айни шу мақсадга қаратилган бўлиб, унга мувофиқ Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарманинг Қашқадарё вилояти филиалида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни экспорт қилиш учун мавжуд имкониятларни аниқлаш мақсадида ташқи бозорлар чуқур ўрганилмоқда. Бугунги кунга қадар 16 га яқин мамлакатларнинг умумий қиймати 850 минг АҚШ долларига тенг 18 турдаги маҳсулот ва умумий қиймати 2 млн. АҚШ долларига тенг хизмат гуруҳлари (кимё, машинасозлик, озиқ-овқат, мебель, тўқимачилик саноати, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ахборот технология жиҳозлари ҳамда туристик ахборот технологиялари, қурилиш ишлари хизматлари ва бошқалар) бўйича импорт эҳтиёжлари мавжудлиги ўрганиб чиқилди.

2014 йилда Жамғарма филиали томонидан 10 дан ортиқ хорижий кўргазма ва ярмаркаларда маҳаллий тадбиркорлик субъектлари иштирокини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, филиал ташаббуси билан жорий йилда тадбиркорларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан биргаликда хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда семинар ва тренинглар ташкил қилиш режалаштирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт амалиётларини бажариши учун зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилаётгани тезда ўз самарасини берди. Хусусан, филиал кўмагида 2014 йил январь ойида Қамаши туманидаги “Муродали Фарм текстиль” хусусий корхонаси 635 минг АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномасини рўйхатдан ўтказишга муваффақ бўлди. Шу йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг жами 1,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномаларини имзолаш, тегишли ташкилотлардан маҳсулотга хулосалар олишда ва тузилган экспорт шартномаларини банкларга рўйхатга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

Жамғарма ташкил этилгандан буён филиал томонидан 20 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ҳуқуқий ҳамда консультатив хизмат кўрсатиш натижасида 1,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномаларини банкларга рўйхатга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларнинг МДҲ мамлакатларига экспорт қилинишига эришилди. Шунингдек, вилоятдаги “Қашқадарё асали” уюшмаси, “Жейнов кўзгуси” хусусий корхонаси, “Вуд декор” масъулияти чекланган жамиятида 1,2 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари имзоланиши режалаштирилди.

“Қашқадарё асали” уюшмасига бир тонна асални, Қарши шаҳридаги “Жейнов кўзгуси” хусусий фирмасига 14 минг банка томат пастасини, Шаҳрисабз туманидаги “Камалак” фермер хўжалигига эса кунжут, наъматак ва анорни экспортга чиқариш бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Мазкур Жамғарманинг ташкил этилиши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Бахтиёр ТУРСУНОВ,**
**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиали директори.**


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 6, 8, 13 ва 15 май кунлари ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «HORAZM GILAMLARI» МЧЖ | Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй | Жамият уставида гиламлар ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш белгиланган | 46 025 488 000,0 | 23 741 611,47 |
| 2. | «NUKUS AGRO» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай овули | Жамият уставида помидор етиштириш ҳамда томат пюре, томат паста, томат шарбати ва бошқа томат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, полиз экинлари маҳсулотларини етиштириш, уруғлик маҳсулотларини етиштириш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 1 802 153 700,0 | 860 997,42 |
| 3. | «CITY PALACE» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 15-уй | Жамият уставида халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш, меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш, маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш, савдо-воситачилик операцияларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш, шунингдек, жамият белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган | 136 174 121 000,0 | 66 765 111,30 |
| 4. | «ANDIJON CHARM» МЧЖ | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Жамият уставида терини қайта ишлаб чарм ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида рақобатбардош чарм куртка ва пальтолар ишлаб чиқариш белгиланган | 6 017 004 740,0 | 2 950 090,58 |
| 5. | «AZIA AYS» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 26-квартал, Ширин кўчаси, 7-уй | Музқаймоқ ва сут маҳсулотларини, қандолат маҳсулотларини, консервация маҳсулотларини ҳамда спиртсиз яхна ичимликларни ишлаб чиқариш белгиланган | 1 370 257 000,0 | 650 048,63 |
| 6. | «SURHON SUN MILK» МЧЖ | Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уй | Жамият уставида сут ва сут маҳсулотлари ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қадоқлаш, ўраш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи, шунингдек, чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган | 351 163 600,0 | 167 772,01 |

**Очиқ танлов шартлари.**

Очиқ танлов ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўланиши шарти билан сотилади.

Очиқ танлов савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

* юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

* жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

* икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ танлов савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдоларга қўйилаётган «Horazm gilamlari» МЧЖ ва «City palace» МЧЖ улушлар бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдорида, «Nukus agro» МЧЖ, «Andijon charm» МЧЖ ва «Azia ays» МЧЖ улушлар бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдоридаги ҳамда «Surhon sun milk» МЧЖ улуш бошланғич нархларининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ танлов савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

544R/40

*Гувоҳнома № 005357.*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Нурота тумани судининг 2013 йил 8 ноябрдаги 1-193-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Навоий шаҳри, Спутник кўрғонида жойлашган, умумий ер майдони 6302 кв.м., фойдаланиш майдони 592,32 кв.м. бўлган А, Б, Б1-а, в, г литерлардаги 51 хонали савдо базаси биноси.

***Бошланғич баҳоси — 383 620 000 сўм.***

**2.** Навоий шаҳри, 17-кичик туманда жойлашган, умумий ер майдони 1390,88 кв.м., фойдаланиш майдони 1308,72 кв.м. бўлган супермаркет биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 216 490 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 12 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 8 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти худудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz**

548R/1453

Хизматлар лицензияланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2013 йил 19 декабрдаги 1-6292/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ангрен кўчаси, 67-уйда жойлашган, умумий ер майдони 725 кв.м., қурилиш ости ер майдони 264,70 кв.м., туражой майдони 104,81 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 164,03 кв.м. бўлган 4 та хонадан иборат тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 5 декабрдаги 10-1303/15646-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Фарҳод деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 362 кв.м., бинонинг майдони 911 кв.м.дан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2014 йил 25 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

546R/562

Хизматлар лицензияланган.

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- Зангиота тумани СИБ томонидан 11378/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган:

1. 56-сонли савдо дўкони.
   ***Бошланғич баҳоси — 28 740 600 сўм.***
2. 31-сонли савдо дўкони.
   ***Бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 21 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

- Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 30 декабрдаги 11-1336/11662-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, «Истиқлол» ҚФЙда жойлашган ғишт қуритиш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 143 150 000 сўм.***

- Бекобод тумани СИБ томонидан 15586-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Алишер Навоий» ф/у да жойлашган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 188 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 5 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг «Asia alliance bank» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-371) 262-35-99.**

550R/51

Хизматлар лицензияланган.

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2014 йил 21 апрель куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 328-О/Х-12, 329-О/Х-12, 330-О/Х-12 ва 332-О/Х-12-сонли ижро варақаларига асосан, Хўжайли тумани СИБ томонидан хатланган, Хўжайли тумани, «Саришунгул» ОФЙда вақтинча сақланаётган:

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Беларусь 80Х» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-65.
***Бошланғич баҳоси — 13 923 763 сўм.***

* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Беларусь 82.1» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-80.
***Бошланғич баҳоси — 16 708 326 сўм.***

* 2011 йилда ишлаб чиқарилган «XCMG» русумли юклагич (Хитой трактори), давлат рақами НЕ 56-81.
***Бошланғич баҳоси — 61 987 278 сўм.***

* 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-54329» русумли автомашина, давлат рақами 95 199 НАА.
***Бошланғич баҳоси — 15 312 751 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2012 йил 12 июндаги 618, 623, 626, 627, 628 ва 629-сонли ижро варақаларига асосан, Кегейли тумани СИБ томонидан хатланган, Кегейли тумани, «Халқабад мамыгы» АЖда вақтинча сақланаётган:

* «СЗУ-3.6» русумли дон сеялкаси.
***Бошланғич баҳоси — 1 381 801 сўм.***

* «ВТ-150» русумли трактор.
***Бошланғич баҳоси — 12 554 146 сўм.***

* Пахта сеялкаси.
***Бошланғич баҳоси — 777 856 сўм.***

* «ОКМ» русумли культиватор.
***Бошланғич баҳоси — 1 265 575 сўм.***

* «ДЭЛ» русумли ғалла ўриш ускунаси.
***Бошланғич баҳоси — 1 381 801 сўм.***

* «РМИ» русумли ускуна.
***Бошланғич баҳоси — 574 244 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ва Нукус шаҳар ЖИБ судининг 2011 йил 28 ноябрдаги 210-сонли, 2012 йил 11 июндаги 2142-сонли, 2013 йил 7 мартдаги ва 2013 йил 30 апрелдаги 226-сонли, 2013 йил 9 ноябрдаги 1-417-сонли ижро варақаларига асосан, Тахтакўпир тумани ва Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган, Тахтакўпир тумани, «Жанадарья» ш/х да вақтинча сақланаётган, ўрта ёшдаги 10 бош совлиқ қўй.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 177 147 сўмдан.***

Тахтакўпир тумани, «Белтау» ОФЙда вақтинча сақланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-4А» русумли трактор, завод рақами 342838.

***Бошланғич баҳоси — 9 225 817 сўм.***

Тахтакўпир тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412ИЭ» русумли автомашина, давлат рақами 23 G 0016.

***Бошланғич баҳоси — 1 071 387 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБда вақтинча сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА ВАЗ-21061 СПГ» русумли автомашина, давлат рақами 95 V 968 АА.

***Бошланғич баҳоси — 3 926 759 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБда вақтинча сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган «Spark-M300 BDD С/К» русумли автомашина, давлат рақами 95 Н 717 ВА.

***Бошланғич баҳоси — 26 932 500 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли ва Қўнғирот туманлари ЖИБ судларининг 2013 йил 17 сентябрдаги ва 2013 йил 26 сентябрдаги 186-сонли ижро варақаларига асосан, Элликқалъа тумани ва Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган, Элликқалъа тумани, «АТП-20» МЧЖда вақтинча сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitchubisi galant» русумли автомашина, давлат рақами 95 J 103 BA.

***Бошланғич баҳоси — 13 122 000 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБда вақтинча сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «Mercedens benz D.3 C200» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами GCC604.

***Бошланғич баҳоси — 19 237 500 сўм.***

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 6 май куни бўлиб ўтади.

2014 йил 6 май куни соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ФИБ судининг 2013 йил 23 октябрдаги ва Амударё тумани ЖИБ судининг 2014 йил 12 февралдаги 1885-сонли ижро варақаларига асосан, Тахтакўпир ва Беруний туманлари СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

* Тахтакўпир тумани, «Атакол» ОФЙда сақланаётган, ўрта ёшдаги 150 бош совлиқ қўй.
***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 320 000 сўмдан.***

* Беруний тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Chevrolet optra» русумли автомашина, давлат рақами 90 С774 СА.
***Бошланғич баҳоси — 42 576 000 сўм.***

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 21 май куни бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 21 апрель кунидаги савдога — 17 апрель, 6 май кунидаги савдога — 2 май ва 21 май кунидаги савдога — 19 май куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Турон» банк Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

549R/165

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

**Гувоҳнома № 004059.**


“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси жамоаси Маркетинг, экспорт ва савдо масалалари сектори бошлиғи Баҳодир Исаевга волидаи муҳтарамаси

**АРОПАТ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик кафедраси мудири Дилфуза Тешабоевага волидаи муҳтарамаси

**МУНИРА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Кўнгил хиёбони



Урганч шаҳридаги Бобур маҳалласининг каттаю кичиги Бобожон ота номини ҳурмат билан тилга олади. Эл хизматига белини маҳкам боғлаган отахон ҳамиша маҳалладошларининг тўю маъракасида бош-қош. У билан кенгашиб олинса, кўнгил хотиржам бўлади. Бундай маҳалла бобо ўз талабини ўртага қўяди.

## Тўйдан сўнгги «хамиртуруш»

ИБРАТ

— Исрофгарчилик, — дейди отахон, — ошингни кўчага тўкиш, деган гап. Бу эса кони гуноҳ. Исрофгарчиликка асло йўл қўймаймиз. Ортиқча ҳашамга сарфланадиган пулни ёшларнинг ўзларига берамиз. Рўзғорга керакли буюм олишади.

Бобонинг маслаҳатлари шу билан тугаб қолмайди. Тўйлардаги дабдабабозликка чек қўйиш, тўйларни ихчам ўтказишни айни муддао, деб ҳисоблайди у.

Бугун Бобожон отанинг ўгитларига амал қилиб, барака топганлар кўп.

— Тўй қилиб қарздор бўлиб қоламанми, деб ўйлагандим, — дейди ана шундай маҳалладошлардан бири. — Худога шукр, қайтага қўлимда бир оз "хамиртуруш" ҳам қолди. Унга қўшиб, "Матиз" сотиб олмоқчимиз.

"Бу дунё яхши одамлар ва хайрли амаллар билан обод", дейди доноларимиз. Дарҳақиқат, самимий, меҳридарё, фидойи инсонлар боис ҳаётимиз тўкис, кунларимиз ёруғ. Бобожон ота ҳам ана шундай одам. Яқинда у маҳалласидаги бир ногирон йигитга ўз отасидек меҳрибонлик кўрсатди. Уни уйлантириб қўйди.

— Шомурод нутқида бир озгина нуқсони бўлганлиги учун кўнглини очолмай юрганини сезардим, — дейди Бобожон ота. — У билан гаплашдим. "Уйлантириб қўйсам, нима дейсан?" десам, рози бўлди.

Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони — келин танлаш.

— Уч ойга яқин келин қидирдим, — дейди ота. — Бутун шаҳарни айландим, десам, муболаға эмас. Охири топдим. Чеккароқдаги маҳаллалардан биридаги танишим жонимга оро кирди. У маҳалламизда яхши бир қиз бор, деб қолди. Ўзи тикувчи экан.

Танишим билан қизникига бордик. Ота-онанинг розилигини олиб, ёшларни кўриштирдик. Қиз рози бўлди. Чиройли тўй қилдик...

Яқинда отахон фуқаролар йиғинида ўтказилган мажлислардан бирида кам таъминланган икки оила фарзандларининг тўйини ўтказиш масаласини ўртага қўйди. Таклифни ҳамма қўллаб-қувватлади. Ҳатто шу ернинг ўзида ҳомийлар ҳам топилди.

Хайрли ва савоб ишдан бошқалар ҳам четда қолмасин, дея у дам олиш куни маҳаллани бир қур айланиб чиқди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Фақат тўйга таклиф этди. Шунинг ўзидан хулоса чиқарган кўплаб маҳалладошлари тўй бошида бўлишди.

Маҳаллада ўтган тўйдан сўнг барчанинг қалбига илиқлик югурди. Ҳақиқатан ҳам, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувликни ўзида жо қилган қадриятларимиз мисли гавҳардек қалбларимизга нур, ҳаётимизга сурур бағишлайди. Бугун бундай қадриятларимиз эъзозланиши бежиз эмас. Чунки эзгу амалларни ўзига одат қилган одамлар юртимизда кўп. Шундай инсонлар доимо бор бўлсин!

**Сотим АВАЗ.**

## Ҳадис

***Бойлик дегани мол-мулкнинг кўплиги дегани эмас, бойлик дегани кўнгилнинг бойлиги демакдир.***

## Улуғлар дейдики:

*Икковлон бир-бирларинг билан жанжаллашманг — икковингиз ҳам мағлуб бўласизлар.*

**Амир ТЕМУР.**

*Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,*
*Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

**Алишер НАВОИЙ.**

*Сен гулсен-у мен ҳақир булбулдурмен,*
*Сен шуъласен-у ул шуълаға кулдурмен.*

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР.**

*Вафода ўхшама булбулга асло,*
*Ҳар он ул ўзга гул бошида шайдо.*

**Носир ХИСРАВ.**

## Яхшиликнинг умри боқий

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Яхшилик ҳақида кўп гапирамиз. Бировдан яхшилик кўрсак, ўзимизча қадрига етишга уринамиз. Болаларимизга ҳам "Қўлингдан келганича беғараз яхшилик қил, кун келиб, ортиғи билан қайтади", дея ўгитлар берамиз. Ҳар гал шу ҳақда гап кетганда хаёлимга бобомдан эшитган бир ўгит келади.

Бобом раҳматли новвойчилик қилар, саксондан ошганида ҳам икки юзи қип-қизил, барваста одам эди. У маҳал мен — ўн икки яшар болакай — бобомнинг ёнида кўп ўралашардим.

Бир куни кўчадан кимдир овоз бериб чақирди, кейин ўзи кириб келди. Янги дўппи кийиб олган, барваста бир йигит экан. Қўлида қоғоз халтага солинган анча-мунча нарса. Ҳол-аҳвол сўрашилгач, бобом: "Кимнинг боласисиз, ўғлим?" деб сўради. "Фалончининг", деган жавоб бўлди. Бир оз суҳбатлашилгач, ниҳоят, меҳмон қўлини кўксига қўя-қўя, қайта-қайта хайрлашиб жўнагач, бобом мени ёнига ўтирғизиб, шундай деди:

— Қўлингдан келса вақту бевақт яхшилик қилиб қўявер, деганим эсингдами? Бир маҳаллар бу оила камхаржроқ, тўй қилганида нонга пули етмай қолган эди. Ўшанда айтган нонини ёпиб бериб, тўйга тўёна бўла қолсин, деган эдим. Орадан қанчадир вақт ўтиб, ўша одам келиб қарзини узиб ҳам кетди. Бу йигит — ўша тўй бола, у воқеани билгани учун мендан хабар олгани келибди. Отасига раҳмат, яхши бола ўстирибди.

Кейин ҳалигача эсимдан чиқмайдиган бир гапини айтди:

— Уйда ўсган олманинг уруғидан шу йил кичкина ниҳолча униб чиқди, кўрдинг-а?

— Ҳа, тагига сув ҳам қуйдим.

— Энди уни маъносига разм сол, — деди бобом. — Сен маза қилиб еган ўша олма ичида бир нечта кичкина қизил уруғи бор эди. Уни ерга қададинг, ниҳол бўлиб чиқди. Орадан қанчадир вақт ўтгач, каттакон дарахт бўлади, ўшанда шохида ўзинг билган олмаларга ўхшаш яна юзлаб мевалар етилганини кўрасан. Вақт-бевақт яхшилик қил, деган гап шунга ўхшайди. У олманинг уруғи сенга керак эмас эди-ку? Лекин маъносига қарасанг, битта уруғдан минглаб етук мева етишганини кўрасан. Яхшилик уруғи ҳам шунақа, гоҳо битта кичик яхшилигинг минг баравар бўлиб ўзингга қайтади.

— Яна мисол айтайми? — деди кулимсираб бобом. — Битта буғдой эксанг, уч-тўрт ойдан кейин худди ўша дон бошоғида йигирма-ўттизта бўлиб пишиб туради. Бир дона кўчат қадасанг, юзлаб мисли бўлиб қайтишидан ташқари, ҳар йили такрор-такрор ҳосил бераверади. Истасанг, уруғини яна қайта экасан, истамасанг, мириқиб ейсан. Буни барака дейдилар. Яхшиликда ҳам барака мўл бўлади, шу гапларим ёдингда қолсин, вақти келганида бобом тўғри айтган экан, деб эслаб юрасан.

Бола эканимда тушуниб етолмаганим у ҳикматнинг маъноларини энди яхши англайман.

Гап шундаки, бизлар яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ҳамда ёвузлик ҳақида гап кетганда, болаларимизга халқимизнинг энг оддий кишилари тилида айланиб юрадиган мисолларни ҳам айтишимиз керак. Чунки дунёнинг ҳеч қаерида яхшилик ҳақида бундай эзгу ва ажойиб маталлар учрамайди. Она Ўзбекистонимизнинг бепоён ҳудудларида турли-туман неъматлар барака ила етилгани каби, халқ бағрида ҳам шунга ўхшаш жуда кўплаб ҳикматлар туғилаверади.

Ватанимизда рўй бераётган, узоқни кўзлаб қилинаётган кўпдан-кўп ишлар ҳам шунга ўхшайди. Эзгу ният, ҳаракат, яхшилик билан қилинаётган ишлар, вақти келиб, ўз маҳсулини беришига ишонамиз.

Ҳовлида ўйнаб юрган ўғлим қўлидаги шафтоли данагини кўрсатиб, сўради:

— Ота, буни нима қилай?

— Бир жойга экиб қўявер, тойчоғим. Вақти келганида беҳисоб шу хил меваларни сенга ҳадя қилади. Буни барака дейдилар, — дейман мен ҳам кулимсираб, бобомнинг ўгитлари ёдимга тушиб.

Ўғлим гапларимни англамай, тушунмагандай қараб туради.

Сочларини тўзғитиб, ўзимча эркалаб қўяман:

— Шу гапларим эсингда қолсин. Вақти келганида, отам тўғри айтган экан, деб эслаб юрасан, болам.

**Исажон СУЛТОН,**
**ёзувчи.**

## Баҳор




(ҳикоя)

— Азимованинг қизи сени велосипедда кўрипти. Йиқилибсан. Онасига айтипти...

Онамнинг бу гапи менинг тинчимни йўқотди: демак, Бибигул мени кўрипти, йўқ... менга эътибор қилипти. Йиқилганимга ачинипти. Ҳатто онасига ҳам айтипти!

— Эна, мен даштга кетаман! — дедим.

— Ҳозирми? Шу кундами? — ҳайрон бўлди онам. — Ёғин-сочин маҳали, болам. Даштда чақмоқ ёмон бўлади, бир чўпонни уриб кетипти!

— Ҳечқиси йўқ. Мен оқ кийим киймайман-ку!

— Ким билан борасан даштга?

— Ўзим. Ўткинчилар билан. Чорбозорчилар бор. Ана, эшагим.

— Нимага... бирдан борадиган бўлиб қолдинг?

— Энажон, ҳадемай ёз бошланади. Велосипедимни опкеламан.

— Ахир ҳозир велосипед миниб бўладими? Бари бир келтириб омборга қантариб қўясан.

— Бари бир боргим келяпти. Даштниям соғиняпман!

— Кутсанг бўларди бир-икки кун. Айттириб юбораман. Аканг ўзи опкелади.

— Йўқ. Эрта шанба. Тушдан кейин жўнайман. Бозор куни қайтиб келаман.

— Ўзингга эҳтиёт бўл-да.

Шанба куни тушдан кейин жўнадим. Ҳаво илиқ. Баҳор осмони тиниқ. Толлар куртак чиқарган. Ҳовлимиздан чиқдим. Район ҳам орқада қолди. Бийдай дашт. Сўқмоқ... Бу сўқмоқ менга кўпдан таниш. Эсимни таниганимдан буён юраман. Аввал даштда яшардик. Сўнг районга кўчиб келдик. У ёқда ўтовимиз, уйимиз қолган. Акам доктор. Кузда мотоциклини сотиб, велосипедимни миниб кетган эди. Бориб опкелишимга вақт бўлмади. Ўқиш бошланиб қолди... Э-ҳе, бу даштлар менга таниш! Гули, кўкати билан! Қушлари, кенглиги билан! Сўқмоқлари, ўрлари билан таниш!

— Эҳ-ҳе, ўзлари-ку! — деб қарши олди акам.

Акам Алиқул ўрта бўй, елкадор йигит. Шўх, кўзлари қийиқ. Мен онамга тортиб, қиррабурун, чақноқ кўз бўлганман... Ана ўтовимиз! Ана ёлғиз қайрағоч. Ана пастликда... Ғоркамар! Нарида дарё, унинг ғиш соҳиллари. Адирда қўй-қўзилар!

— Ҳа, келдим, — дедим. — Велосипедга келдим.

— Э, укам-э, овора бўпсанда. Обориб берардим.

— Ўзим келдим, соғиндим даштни!

— Бу бошқа гап. Юр ўтовга. Э, қўйиб юбор эшакни, қаерга кетади. Узум обкемадингми?

— Соб бўлди. Осма узумниям еб қўйдик.

— Бизда қатиқ, қаймоқ, гўштдан бўлак нарса йўқ.

— Шу яхши-да. Бизда ана шулардан камчил!

— Велосипедни қандай қилиб олиб кетасан? Эгнингга ортасанми, ё эшагингни унга ортасанми?

— Бир йўлини қилармизда, ака!

— Совқотмадингми? Ҳей, кампир! Меҳмон келди.

Янгам билан ҳам сўрашдим. Ўтов... Ўтов. Ана силлиқ увуқлар, шахматнусха керага. Ана саноч, дўмбира. Кигизлар, қуроқ кўрпалар. Ўртада ўчоқ. Бу ўчоқда бозиллаган шувоқ чўғида қанча исинганман. Қўйлар қўзилаганда, ташқари совуқ бўлса, ичкарига киритардик. Тапир-тупур қилиб, уйқу беришмасди. Оқшомлари ташқаридаги супада ётардик. Отам дўмбира чертар эди. Унинг овози! Паст, қандайдир дағал ва хаста. Бироқ уни эшитганда кўнглинг кенгайиб кетади. Кўз олдингда беҳад адирлар кўринади... Ўтов! Қаймоқ ҳам едим. Қатиқ ҳам ичдим, гўштга ҳам тўйдим.

Акам билан Ғоркамарга тушиб чиқдик. Ўша камар, ичи кенг, юз бош қўй соялаши мумкин. Бурчакда, қоялар орасида бир туп тут ўсган. Унинг шохлари пастдаги серқамиш кўлга тегиб турарди. Шу кўлга тушган нарса қайтиб чиқмайди дейишади: унинг таги йўқ эмиш. Бир туя чўкиб кетиб, тўқими юз чақирим наридаги бошқа кўлдан чиққанмиш... Биз ёзда бу камарда ҳам кўп бўлардик. Чунки баҳорда ошқовоқ экардик. Ичкарига кириб, кўчмак ўйнардик.

— Хайр, ака.

— Эшагинг бўлмаганда бир мошинга солиб юборардим.

— Ҳечқиси йўқ.

— Қани, менга қара. Қийналмайсанми?

— Йўқ.

Мен эшакда ўтирибман, велосипед рамасини гўё кийиб олганман. У елкамда, рама ичидан бошим чиқиб турипти. Ғилдираклари икки ёнда. Эшакни ҳайдаб юриш ноқулай. Лекин бунга эҳтиёж ҳам йўқ: эшагим қаёққа бораётганини яхши билади.

— Хайр, ака.

— Очқасанг, хуржунда гўшт бор, олиб е. Қатиқдан қўшниларгаям беринглар.

— Хўп, ака.

Йўлда ёмғир ёғди. Чақмоқ бўлди. Мен шалаббо бўлдим. Совқотдим. Қўрқдим...

Кечқурун уйга етиб бордим. Елкам увишган, кўтара олмас эдим. Эртаси тушдан кейин велосипедга ел бердим. Артдим. Ғилдираги қийшайиб қолган экан, тузатдим, тўғриладим. Ёмғирли, лойли тор кўчамизга миниб чиқдим. Ундан марказий кўчага ўтдим. Э, ҳамма менга қарайди! Ҳозир ким велосипед минади? Менга ўхшаган бирон «олифта» бу ишга жазм қилмаса, бошқаси қилмайди... Чорраҳа!

Бу чорраҳаям мен учун азиз. Чунки пастга тушган ерда Азимова опамнинг уйи бор. Деразаси кўчага қараган, Бибигул ёз, баҳор оқшомлари шу дераза ёнида китоб ўқиб ўтиради. Шу дераза ёнидаги дарчадан сатил кўтариб сувга чиқади. Мен уни... мактабдан келаётганимда кўп кўраман. Нима учундир... уни кўрганда оёқ босаётган ерим эсимдан чиқиб кетади. Бир-икки марта ариққа тушиб кетганман. Юрак-бағрим эзилади, ичларим оғрийди. Панага ўтганда йиғлагим келади. Нимага?.. Қишда «Робин гуд» деган кино бўлди. Биринчи оқшом кириб Бибигулни кўрдим. Ёнма-ён тушиб қолибмиз. Кейин ҳар кеч кинога кирадиган бўлдим. Лекин у бошқа кирмади. Тиззагача лойга беланиб уйга қайтардим...

Бибигул! Ана Бибигул!.. У ҳам менга ўхшаб кетади, фақат ранги тиниқ, оқ! Қарашлари майин, кулиб тургандай ҳаммавақт.

Бибигул!..

— Қани! — деб педални босдим. Худди буюргандай унга етганимда, йўқ, чорраҳадан бурилиб, деразалари олдидан ўтаётганимда ғилдираклар бирдан тойиб кетди. Мен, телпагим бир ёққа учиб, отилиб тушдим... Қизариб ва илжайиб ўрнимдан турдим.

— Кўзингга қарасанг бўлмайдими? Ҳаммавақт йиқилиб юрасан-а! — деди Бибигул ва... дарвозаларидан кириб кетди.

Мен велосипедни турғизиб, хиёбонга чиқардим. Йиғлагим келарди...

Кейин билдим: у менга қизиқмаган, менга ачинмаган. Онасига ҳам шунчаки гапирган экан.

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.**

## ДУРДОНА

Абу Мансур Мотуридий тахминан 870 йили Самарқанд вилоятининг Мотурид қишлоғида туғилиб, 975 йили вафот этган. У Самарқанднинг Чокардиза қабристонига дафн этилган. Олим ўнлаб илмий-назарий асарлар муаллифидир. Унинг "Пандноma"си X аср пандномасининг энг яхши намуналаридан бўлиб, китобхонни илм ўрганишга, касб эгаллашга, яхши хулқ эгаси, инсонпарвар, ширинсухан, саховатпеша бўлишга ундайди.

Қуйида ушбу асардаги пандлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

### «Орзу-умид фарзанди бўл»

**— Саховатпеша бўл.**

**— Ростгўйликда камол изла.**

**— Яхшилар билан дўстлаш.**

**— Сабрли бўл, муродингга етасан.**

**— Ҳар бир ишда ҳамкор изла.**

**— Ўрган ва ўзгаларга ўргатгин.**

**— Эшитмаган нарсанг ҳақида гапирма.**

**— Бировга ҳаддан ташқари танбеҳ ҳам берма, беҳудага мақтама ҳам.**

**— Ўзгалар қалбини овламоқчи бўлсанг, яхшилик қилишга одатлан.**

**— Хушхулқ ва беозор бўл.**

**— Ўзингни таъриф этишдан сақлан.**

**— Одамларнинг олдида нима десанг, орқасидан ҳам ўшани гапир.**

**— Орзу-умид фарзанди бўл.**



## Хазина қидирган одам



Ҳикоят

*Бир одамга катта мерос қолганди. Бироқ осон келган, осон кетар, деганларидек, тадбир билан сарфламади, қисқа пайтда бутун бошли меросни тугатди. Қўлида нима бўлса, еб битирди.*

Ҳеч вақоси қолмагач, Аллоҳга юкинди, ҳар оқшом кўз ёш тўкиб дуо қиларди: "Эй Раббим, менга бойлик бердинг, мулк бердинг. Ҳозир эса улар қўлимдан кетди. Айбимни биламан. Хато қилдим. Менга ёрдам қил, мени қутқар бу иллатдан. Ё марҳамат қилиб бир тирикчилик бер ёки жонимни ол".

Кунлар, ойлар ёлворишлар билан ўтди. Ниҳоят бир кеча туш кўрди. Бир овоз унга: "Сен Мисрга бор, ўша ерда омадинг чопади, у ерда бой бўласан. Мисрда топадиган хазинанг сени кутаяпти", дерди.

Одам уйғонганда севинчдан телба бўлаёзди. Дарҳол Мисрга кетишга ҳозирлик кўрди...

Неча кун Мисрда оч, сувсиз кезиб юрди. На хазина, на бирорта қўлидан тутгандан дарак бўлмади. Чорасизликдан тиланчилик қилишга қарор қилди, аммо ухлаётганда: "Оқшом тушгач, тиланчилик қиламан, қоронғида ҳеч ким мени танимайди", деб ўйлади. Қоронғида маҳалла ичларида кезди. Энди қўл очишга чоғланган эдики, маҳалла миршаби пайдо бўлди. Миршаб уни ўғри деб ўйлаб, ёқасидан тутди. Ҳам судраб, ҳам урарди. Одам:

— Урма, тўғрисини айтаман, — деб ёлвора бошлади.

Миршаб:

— Яхши... бегоналигинг ҳолингдан аниқ. Тушунтир, йўқса ҳамма ўғриларнинг аламини сендан оламан, — деди.

Одам аҳволи қандай бўлса, шундай тушунтирди, охирида эса:

— Мана, мен на ўғриман, на бир золим. Хазина илинжида Мисрга келган, ғариб бир кишиман, деб сўзларини тугатди.

Миршаб ишонди ва кулиб айтди:

— Сенга ишонаман, сен ўғри эмассан, аммо ғирт аҳмоқсан. Мен анча йиллардан бери "Бағдодда фалон маҳалладаги фалон уйда хазина кўмилган"лиги ҳақида туш кўраман. Лекин, ҳатто, ўрнимдан қимирламадим. Сен бир туш кўриб, бу ерларгача келибсан. Сен аҳмоқнинг, тентакнинг бирисан. Қани кет. Бошқа бу ерларда кўринма.

Одам ҳайрон қолганди. Миршабнинг "Бағдодда фалон маҳаллада, фалон уйда" деган жойи ўзининг уйи эди. Ўзига-ўзи: "Демак, мен хазина устида ўтирганим ҳолда фақирликдан нолиб, йиғлар эканман", деб шукроналар айтди.

**Жалолиддин РУМИЙнинг «Маснавий»сидан.**

## Боқий сатрлар

### На қилдим санга ман, ёрим

*На қилдим санга ман, ёрим, жамолингдин жудо қилдинг,*
*Бошимда гарди ғамни чун чароғи осиё қилдинг.*

*Ҳамиша куйдуруб шамъи фироқинг бирла жонимни,*
*Мани парвонани хокистарини зери по қилдинг.*

*Жудолиғ айлар экансан, аё Лайливаши Ширин,*
*Не деб аввал ўзунгға ман ғарибни ошно қилдинг.*

*Нигоро, бори ғам бирла фақиру нотавон айлаб,*
*Алифдек қоматимни лом алиф янглиғ дуто қилдинг.*

*Фироқинг осмонидин солиб бир барқи олам сўз,*
*Вужудим хирманин ўртаб, адо қилдинг, адо қилдинг.*

*Ўшал рўзе: Билурмусан мани деб айтдинг, эй ёрим,*
*Бале дедим, сани суйдим, балога мубтало қилдинг.*

*Аё дилбар, Ҳувайдодек балокашни эшикларда,*
*Солиб кўздин бенаво, зору гадо қилдинг.*

**ҲУВАЙДО.**

СЎЗ КЎРКИ

***Дарахтига кўра — меваси, ота-онасига кўра — боласи.***

***Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар.***

***Киши йўқ деб сўзлама, оғзинг ёмон ўрганар.***

Ўзбек халқ мақоллари.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 605 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5